

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И
**ШАРТНОМАВИЙ
МУНОСАБАТЛАРНИ ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА**

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш, айрим шартномаларни тузишда ўрнатилган сунъий чекловларни олиб ташлаш, шунингдек, шартномавий муносабатларда ахборот тизимларидан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг **2021 йил 1 декабрдан** қуйидагиларни бекор қилиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин: тижорат банкларига етказиб берилган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) учун **тўловларни учинчи шахслар ҳисобидан қабул қилишга қўйилган тақиқни**; давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотларини етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш) тўғрисида тузиладиган шартномаларида **мажбурий равишда олдиндан тўловни белгилашга доир талабни**;

қишлоқ ҳўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчилари ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузиладиган шартномаларда **мажбурий равишда авансни белгилашга доир талабни**.

Таъкидлансинки, ушбу банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган олдиндан тўлов ва аванс шартнома тарафларининг қилишувига мувофиқ белгиланади.

2. Жисмоний шахсларга қарз шартномаларини **нотариал тасдиқлаш орқали чет эл валютасида ўзаро қарз бериш ва қайтариб олишга рухсат** берилсин.

Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қарз шартномасини нотариал тасдиқлаганлик учун ҳамда қарз шартномасидан келиб чиқадиган пул суммасини ундириш бўйича ижро хатларини ёзиб берганлик учун ундириладиган давлат божи миқдорини икки баравар камайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра, 2022 йил 1 январдан:

а) суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн аукционда сотувга қўйилган мол-мулк уни сотишдан тушган пул маблағлари ҳисобидан аукцион ҳолибига қарзларсиз ва тақиқлардан ечилган ҳолда топширилади. Бунда, мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағлари етарли бўлмаганда қарздорликни тўлаш мажбурияти унинг собиқ эгаси — қарздор зиммасида қолади.

Аукцион ҳолиби томонидан мулкни қабул қилиб олмамлиқнинг қуйидаги ҳолларида закалат пули аукцион ҳолиби мурожаат қилган кундан бошлаб уш иш кўни ичида қайтариб берилиши шарт:

аукционда сотилган мол-мулк аукцион объектининг кўрсатилган техник тавсифларига мос келмаса;

мол-мулк аукционда сотилгунга қадар учинчи шахсларнинг эгаллигига ўтиб кетган бўлса ва бу ҳолат аукцион якунланганидан сўнг аниқланса;

(Давоми 2-саҳифада)

**ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАРНИНГ
ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ**

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги ййғилиши бўлиб ўтди.
Мажлисни Марказий сайлов комиссияси Раиси З.Низомхўжаев олиб борди.

Мажлис кун тартибидан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Экологик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ва Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш масалалари жой олди.

Қайд этилганидек, Марказий сайлов комиссияси 11-14 сентябрь кунлари барча сиёсий партиялардан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олган эди. Сайлов кодексининг 43-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод ўн беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлишга ҳақли. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради, сайлаш учун ташвиқот олиб боради, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатларини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари унинг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олина-

ди, Марказий сайлов комиссияси уларга тегишли гувоҳномалар беради. Шундан келиб чиққан ҳолда мажлис давомида Ўзбекистон Экологик партиясидан Обломуратов Нарзулло Наимович, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Қодиров Алишер Келдиевич, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Варисова Максуда Азизовна, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Абдухалимов Баҳром Абдурахимович ва Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг ишончли вакиллари рўйхатга олинди.

— Номзод сайловга қадар ўз ишончли вакилини тегишли сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда исталган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин, — дейди Марказий сайлов комиссияси аъзоси Орзул Қозихонова. — Ишончли вакил исталган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли. Ишончли вакил сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Номзодлар ишончли вакилларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди



доирасидаги сафар харажатлари сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан тўланади. Ишончли вакилга сайловолди ташвиқоти даврида ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш, нотўғри ахборотни, шунингдек, номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Шу билан бирга, сайлов кўни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказиладиган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш, шу жумладан, ахборот тармоқларига, шунингдек, интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш тақиқланади.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ:**НОМЗОДЛАР АНИҚ, НАВБАТ САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИГА**

Суратда: МСК аъзоси Сурякон ҚУРБОНҚУЛОВ.

Марказий сайлов комиссиясининг сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирокида ўтган мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олишга доир масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Маълумки, Марказий сайлов комиссиясининг

Мамлакатимизда Президент сайлови кампанияси ҳал қилувчи босқичга қадам қўйди. Сайлов кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича календарь режасида белгиланган вазифаларнинг тизимли ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тобора жадаллашмоқда. Сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича навбатдаги энг муҳим тадбирлардан бири муваффақиятли якунланди.

шу йил 14 августда ўтган мажлисида бешта сиёсий партияга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат бериш тўғрисидаги гувоҳномалар ҳамда мазкур партияларни қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзо арақаларининг бланкалари топширилган эди.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И**МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР
ИШТИРОКЧИЛАРИНИ
ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича **2021 йил 20 август кўни** ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан **очиқ мулоқоти** доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки:

2020 йил 1 январдан бошлаб махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига фойда солиғи бўйича имтиёзлар бекор бўлганлиги муносабати билан мазкур солиқ имтиёзларининг фойдаланилмай қолган қисми **2020 йил 1 октябр**га қадар махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритилган иштирокчилар учун, улар томонидан киритилган инвестициялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, улар реестрга киритилган санадан бошлаб **3 йилдан 10 йилгача** бўлган муддатларда тўлиқ қўлланилади;

махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига **2021 йил 15 сентябрдан бошлаб** маҳсулот ишлаб чиқаришда ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни импорт қилганда қўшилган қиймат солиғи ва боғжона боғини фойзалар ҳисобланмаган ва уларнинг тўланишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда 120 кунгача муддатга кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқи берилади.

2. Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига ортиқча қўшилган қиймат солиғи суммасини **етти кун** ичида қоплаб бериш тартибига қатъий амал қилсин.

Бунда, камерал солиқ текшируви натижаларига кўра қопланган қўшилган қиймат солиғи суммаси асосизлиги аниқланган тақдирда, мазкур сумма белгиланган тартибда ундирилади.

3. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда:

икки ой муддатда махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига улар томонидан киритилган инвестициялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда фойда солиғи бўйича имтиёзлар беришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

2022 йил 1 июлга қадар халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда махсус иқтисодий зоналар фаолиятини, уларнинг вазифалари ва қутилаётган натижаларини, шунингдек, уларни жойлаштириш жойларини белгиланган ҳолда янада такомиллаштириш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 14 сентябрь

**НАМАНГАНДА ЗАРГАРЛИК
КОРХОНАСИ ИШ БОШЛАДИ**

Наманган шаҳрида ўзбек миллий брендини дунёга танитишни мақсад қилган “Gavhar Jewel Group” корхонаси иш бошлади.

Қимматбаҳо металллар ва тошларни харид қилиш, қайта ишлаш ва бошқа барча заргарлик фаолият тури билан шуғулланувчи ушбу корхонанинг лойиҳа қиймати 6,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Маҳсулот сифатли ва харидоргир бўлиши учун Италия, Германия ва Туркия давлатларидан корхонага дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Қолаверса, ишлаб чиқариш жараёнига ушбу давлатлардан юқори малакали мутахассислар ҳам жалб этилди. Хориқдан келган мутахассислар корхона ходимларининг классификацияси-

ни оширишда катта ёрдам беради.

Мазкур корхона фаолият бошлаши натижасида 40 дан зиёд аҳоли иш билан таъминланди ҳамда 150 дан зиёд маҳаллий заргарлар билан кооперация асосида ишлаш йўлга қўйилди. 2022 йилдан бу ерда тайёрланган маҳсулотларнинг 20 фоизини чет элга экспорт қилиш режалаштирилган.

Корхонанинг очилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдураззоқов иштирок этди.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ
(ЎЗА) олган сурат.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Ирригация тизимларида

ҲАР ҚАТРАСИ ҲИСОБДА

Исфайрам-Шоҳимардон ирригация тизими божқармасига қарашли Полмон сув тақсимлаш иншооти 1971 йилда қурилган. Шундан бери бу иншоот келаётган сувни тежаб-тергаб тақсимлаш, ундан фойдаланишни назорат қилиш борасида режа бўйича самарали иш олиб бораётир.

Жамоада меҳнат қилаётган ҳар бир муҳандис, ишчи, ходим ўз вазифасига сидқидилдан ёндашади. Улар Фарғона вилоятининг 6 та туманига сув етказиб беришдек масъулиятли ишни муваффақиятли удалаб келмоқда. Жамоа аъзолари бир ёқадан бош чиқариб 40-50 километр ерга сув етказиб бермоқда. Ана шу сув иншоотларини яхши ҳолатда ушлаб туриш кўп жиҳатдан таъмирлаш ишларига боғлиқ. Бу ишни сира пайсалга солиб бўлмайди. Шу боисдан механик тозалаш, таъмирлаш ишлари, қўлда бажариладиган ишлар ҳам режага мувофиқ ўтказиб келинаёпти.

(Давоми 3-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

б) шартноманинг тарафи иккинчи тарафдан шартнома бўйича мажбуриятларни тўла ёки қисман бажаришини қабул қилган ёхуд шартноманинг амал қилишини бошқача тарзда тасдиқлаганда, ушбу шартномани кейинчалик ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга, агар бундай талаб ҳалоллик принципига зид бўлса, ҳақли эмас;

в) хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат харидлари билан боғлиқ тузиладиган шартномаларда мажбурий равишда коррупцияга қарши қўшимча шартлар белгилананади.

Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади;

г) юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ ва божхона тўловлари бўйича қарздорлик тўланмаганда, солиқ ёки божхона органлари банкка тўловчининг ҳисобварақларидаги қарздорлик суммасига тенг миқдордаги пул маблағларини музлатиб қўйиш ва уларни ўттиз календарь кунидан сўнг ундириш тўғрисидаги фармойишни бу ҳақда тўловчини хабардор қилган ҳолда юборади.

Хабарнома олинган пайтдан бошлаб ўттиз календарь кун ичида тўловчи томонидан ушбу фармойиш устидан судга шикоят қилинган тақдирда, мижознинг ҳисобварағидан пул маблағларини чиқариш ёки чиқармаслик суднинг қарорига мувофиқ амалга оширилади;

д) коммунал соҳа, энергия билан таъминлаш, алоқа хизмати, йўловчи ва

юкларни ташиш ва бошқа шу каби катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқилган оммавий шартномалар монополияга қарши курашиш органи билан келишилганидан сўнг истеъмолчилар билан тузилади.

4. Намунавий шартномаларни қонуности ҳужжатлар билан тасдиқлаш амалиёти бекор қилинсин, қонун билан тўғридан-тўғри тарафлар учун мажбурий бўлган намунавий шартномалар тасдиқланиши назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5. Қуйидагилар:

Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларни тузиш ва мажбуриятларни бажаришдаги муносабатларни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар намуналарини ишлаб чиқиш бўйича “йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Марказий банк ва Савдо-саноат палатасининг электрон тижоратда **электрон савдо майдончалари орқали** маҳсулотлар олди-сотдиси амалга оширилаётганда ва бошқа соҳаларда битимлар тузишда **эскроу тизимини жорий этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

7. Фермер хўжаликлари ва тайёрлов ташкилотларига контрактация шартномаларини ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тузиш ва рўйхатдан ўтказиш тавсия этилсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда контрактация шартномаларини ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тузиш

ва рўйхатдан ўтказиш учун зарур шарт-шароитларни яратсин.

8. Олий суд судлар томонидан шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқишда ҳамда шартномалар шартларини шарҳлашда қонунчилик ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётини тизимли равишда, лекин камидаярим йилда бир марта, таҳлил қилсин ва натижаси юзасидан ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш учун судларга тегишли кўрсатмалар бериб босин.

9. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда коммунал соҳа ва бошқа шу каби соҳаларда аҳолига товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатишни амалга оширувчи давлат корхоналари икки ой муддатда **аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан шартномалар тузишда ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш чора-тадбирларини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Молия вазирлиги давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида харид қилиш тартиб-таомиллари устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш мақсадида давлат буюртмачилари томонидан тузилган шартномалар реестрига:

тузилган шартномалар ҳамда уларга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қўшимча келишувлар бўйича барча ҳужжатлар ва ахборотлар;

шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, шартнома бажарилганда ёки у бекор бўлганда, давлат буюртмачиси томонидан шартноманинг бажарилиши юзасидан ҳисобот мажбурий равишда жойлаштириб борилишини таъминласин.

11. Монополияга қарши курашиш қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқилган оммавий шартномаларни истеъмолчиларнинг

ҳуқуқларига риоя этилганлиги, тарафларнинг тенглиги тамойилларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилсин ҳамда заруратга кўра оммавий шартномаларни қайтадан ишлаб чиқиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузиладиган энергетика, кон-металлургия, алоқа соҳасидаги инвестиция шартномаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш босқичида етакчи халқаро консалтинг ва юридик компанияларни жалб қилиш ҳамда уларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш бўйича таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида ўқитиш бўйича шартномаларнинг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тузилиши амалиётини йўлга қўйсин.

14. Адлия вазирлиги:

Марказий банк билан биргаликда уч ой муддатда электрон тижоратни амалга оширишда эскроу тизимидан фойдаланиш қоидаларини белгилловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ахборот тизими орқали шартномаларни имзолаш, сақлаш ва жўнатиш бўйича хизматларни кўрсатиш соҳасига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш бўйича тадбирларни амалга оширсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президен-

тининг айрим фармонлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Адлия вазирлиги:

а) Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда икки ой муддатда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномалар тузишда қўллаш учун тавсиявий характерга эга бўлган **коррупцияга қарши қўшимча шартларни** ишлаб чиқсин ва эълон қилсин;

б) уч ой муддатда **шартномалар намуналарини “yurxizmat.uz”** махсус ахборот порталига жойлаштирсин ва уларни қонунчиликка киритиладиган ўзгартиришлардан келиб чиқиб назорат ҳолатида юритсин;

в) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда намунавий шартномаларни тасдиқлаш тўғрисидаги қонун-ости ҳужжатларни хатловдан ўтказиб, ушбу фармонга номувофиқ бўлган қонуности ҳужжатларни ўзгартириш ёки бекор қилиш юзасидан тегишли таклифларни уларни қабул қилган органга киритсин;

уч ой муддатда қонунчиликка ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири Р.Қ.Давлетов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 14 сентябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ:
НОМЗОДЛАР АНИҚ, НАВБАТ САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИГА

(Боши 1-саҳифада)

Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 30 августдаги қарори билан Сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текширувчи учта эксперт гуруҳи тузилди. Эксперт гуруҳлари сиёсий партиялар томонидан Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган ҳужжатларни белгиланган тартибда ўрганиб чиқди.

Қонунчиликка биноан сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар Марказий сайлов комиссиясига топширилиш кетма-кетлигида ва беш кунлик муддатда кўриб чиқилади. Сайлов кодексига мувофиқ, сайловчилар битта ёки бир неча сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишга ҳақли. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлиги текширилиши жараёнида иштирок этди. Сайловчиларнинг имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширувчи эксперт гуруҳлари таркибига ички ишлар ва адлия органларининг хатшунос экспертлари, мутахассислари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари киритилгани мазкур масъулиятли жараённинг очик-ошкора ва холис ўтишида муҳим омил бўлди.

Қайд этиш жоизки, эксперт гуруҳларининг ҳулосасига асосан тақдим этилган имзо варақалари номзодларни рўйхатга олиш учун етарли миқдорда тўпланган ва қонун талабларига мос келади, деб топилди.

Комиссиянинг 11 ва 14

сентябрь кунлари бўлиб ўтган йиғилишларида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Алишер Келдиевич Қодиров, Ўзбекистон Экологик партиясидан Нарзулло Наимович Обломуродов, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Мақсуда Азизовна Варисова, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Баҳром Абдурахимович Абдуҳалимов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

Ушбу жараённинг энг муҳим жиҳатларидан бири Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг фаоллиги ва нуфузи сезиларли даражада ошганидан, халқимизнинг, сайловчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти янада юксалиб, Ватан тақдирига ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга дахлдорлик туйғуси, сайловга ва келажакка ишончи мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир, деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси Зайниддин Низомходжаев матбуот анжуманида.

Дарҳақиқат, бу юксак ишонч замирида мамлакатимизда барча соҳаларда демократия, адолат ва тенглик тамойилларини таъминлашга амалда қаратилаётган доимий этибор муважжамдир.

Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча жараёнлар очик-ошкора, ҳалол ва шаф-

фоф, умумэътироф этилган стандартлар ва энг мақбул амалиётлар, мамлакатимизнинг сайловлар соҳасидаги мажбуриятларига биноан ўтказилаётганини халқимиз билиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ва номзодларни рўйхатга олиш бўйича яқунланган фойта масъулиятли жараён бунга яққол мисолдир.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги қарор ҳамда номзодларнинг гувоҳномасини топширди. Президентликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олди.

Сайлов кодексининг 43-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод ўн беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлишга ҳақли. Ишончли вакил номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради, сайлаш учун ташвиқот олиб боради, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатларини ифодалайди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилардан яна бир гуруҳини аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Жумладан, Япония, Грузия, Россия ва Беларусдан хорижий кузатувчилар рўйхатдан ўтказилди. Комиссия аъзолари томонидан оммавий

ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Эндиликда аккредитациядан ўтказилган миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари жами 930 нафарга етди. Аккредитациялар жараёни давом этмокда. Қайд этиш ўринлики, Президент сайловини юртдошларимизнинг саломатлигини қатъий муҳофаза қилган ҳолда, хавф-хатардан ҳоли, карантин талаблари асосида барча шарт-шароитлар яратилмокда. Барча даражадаги сайлов комиссияларининг мажлисларида, ишчи йиғилишларида, учрашувлар ва семинар-тренингларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда коронавирус инфекцияси тарқалиши хавфининг олдини олиш бўйича йўриқномага қатъий риоя этилган ҳолда иш юритилмокда.

Сиёсий партияларга оммавий тадбирлар, жумладан, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишда иштирокчилар ўртасида ижтимоий масофани сақлаш, тиббий никоьда бўлиш, антисептик воситалардан фойдаланишга риоя этиш каби санитария-гигиена ва карантин талабларига риоя этишга ҳамда фуқароларнинг коронавирус инфекциясига қарши эмланганлигига эътибор қаратиш тавсия қилинган.

Сайлов кодексига биноан, 20 сентябрдан сиёсий партиялар ва Президентликка номзодлар ўзининг сайловолди ташвиқоти кампаниясига киришиши мумкин.

Тўлқин АЛИҚУЛОВ,
сиёсатшунос.

Аҳолини
рўйхатга
олиш расмий
статистика
tizimida
асосий роль
ўйнайдиган
муҳим кўрсаткич
ҳисобланади.
Бунда аҳоли
сони бўйича
аниқ ва ишончли
маълумот олиш
имкони пайдо
бўлади.



Аҳолини рўйхатга олиш

мазкур тадбирнинг аҳамияти нималарда кўринади?

Шу билан бирга аввалги рўйхатга олишдан сўнг ўтган даврда рўй берган барча демография ўзгаришларни аҳолининг жинси, ёши, оилавий аҳоли, маълумоти даражаси, бандлиги, миллиати, фуқаролиги ҳамда бошқа ижтимоий ва иқтисодий хусусиятлари бўйича ҳам аниқ, тугал маълумот яратилади. Шу боис, 2023- йилда мамлакатимизда илк бор аҳолини руйхатга олиш тадбирларига ҳозирдан жиддий тайёргарлик кўрилмокда.

Аҳоли сонини руйхатга олиш мамлакатда яшовчи барчага тегишли бўлган демография, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил ва эълон қилишнинг ягона жараёни.

У аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи бўлиб, келгуси 10-20 йиллик ривожланишнинг прогност кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратади. Аҳоли миграцияси тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади. Ўз навбатида, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда ахборот тарзида фойдаланилади. Аҳоли сонини ишончли ҳисоблаш бўйича расмий статистика тизимида асосий роль ўйнайди.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, аҳолини рўйхатга олиш баробарида яна бир муҳим ва-

зифани бажариш кўзда тутилган. Бу ҳудудларни хариталаш, аҳоли пунктларидаги уйларнинг рўйхатини тузиш билан боғлиқ масала.

Таъкидлаш кераки, кейинги уч йил давомида масъул мутахассисларни қайноқ иш жараёни кутиб турибди. Уларни муваффақиятли бажариш билан Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти, шаҳари, туманидан тортиб маҳалласио кўчасига, чекка қишлоқ ахборот базасига эга бўламыз. Бу қимматли маълумотлар эса бизга бугун, эртага ва яқин келажақда жуда асқотади.

Азиз РАҲМАТОВ,
Чилонзор тумани статистика бўлими бошлиғи.

“Obod qishloq” va “Obod mahalla” dasturlari odamlarning yashash sharoitlarini yaxshilash, ularning dunyoqarashini oʻzgartirish, ularda ertangi kunga ishonch tuygʻusini mustahkamlashga xizmat qilmoqda.



Bir milliondan ziyod aholi ilk bor markazlashgan ichimlik suvi bilan taʼminlanadi

Davlatimiz rahbari gʻoyasi asosida respublikamizning barcha goʻshalarida keng quloch “Obod qishloq” va “Obod mahalla” dasturlari uzoq-uzoqlarda joylashgan hududlarning qiyofasini tubdan yangilash, ularni zarur infratuzilma, shu jumladan, kommunal xizmatlar bilan toʻliq taʼminlash va shu tariqa odamlarning yashash sharoitlarini yaxshilash, ularning dunyoqarashini oʻzgartirish, ularda ertangi kunga ishonch tuygʻusini mustahkamlashga xizmat qilmoqda.

Bugungi kunga kelib, ushbu dasturlar doirasida koʻplab qishloq va mahallalarda keng koʻlamli bunyodkorlik va obodonlashtirish ishlari amalga oshirildi.

Jumladan, aholini ichimlik suvi, oqova xizmatlari, gaz, elektr energiyasi bilan taʼminlash darajasi sezilarli darajada oshdi. Xususan, Prezidentimizning 2021

yil 2 apreldagi “Obod qishloq” va “Obod mahalla” dasturlarini amalga oshirish boʻyicha qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi qaroriga muvofiq joriy yil-da ichimlik suvi taʼminoti va oqova suv tizimini rivojlantirish maqsadida 352 ta obʼektga, 3 407,8 km. uzunlikdagi tarmoq va 384 ta inshootda qurilish-montaj ishlarini amalga oshirish belgilangan. Ushbu maqsadlarga 1 trln. 55 mlrd. soʻm mablagʻ ajratilgan. Shundan 874,3 mlrd. soʻmlik manzilli dastur tasdiqlangan.

Joriy yil 1 sentabr holatiga koʻra, 535,4 mlrd. soʻm moliyalashtirilib, 2 994,1 km. tarmoqlar qurildi va rekonstruksiya qilindi. Ushbu dasturlarda koʻzda tutil-

gan 352 ta obʼektga pudrat tashkilotlari Qurilish vazirligining qurilish-pudrat tashkilotlari reytingida “SS” va undan yuqori pogʻonaga ega boʻlgan salohiyatli pudrat tashkilotlar tanlab olinib, shartnomalar tuzildi hamda qurilish ishlari boshlandi.

Joriy yilning sentabr-oktabr oylarida 283 ta obʼektga qurilish-montaj ishlarini yakunlab, ularni foydalanishga topshirish rejalashtirilgan. Bugungi kunda 69 ta obʼektga qurilish-montaj ishlari yakunlanib, foydalanishga topshirish hujjatlari rasmiylashtirilmogda. Natijada jami 1,1 mln. nafar aholi ilk bor markazlashgan ichimlik suvi bilan taʼminlanadi hamda 2,9 mln. nafar aholining suv taʼminoti yaxshilanadi.

Qurilish-montaj ishlari doimiy ravishda monitoring qilib borilmoqda.

Sohib SAIFNAZAROV,
“Oʻzsuvtaʼminot” AJ
boshqaruvi raisi.



Har qatrasini hisobda

(Boʻshi 1-sahifa)

Taʼmirlash ishlariga befarqlik bilan qarash uʻzan ichidan urib ketishga, qirgʻoqlarni buzishga olib keliishi mumkin. 23 nafar xodim qirgʻoqlar va uʻzanlar ish xolatini nazorat qiliish bilan birga tumanlarning suvdan foydalaniish koeffitsientini nazorat ostiga olgani uʻz samarasini beraetir.

– Maʼlumki, Quvasoy tumani Qirgiziston bilan chegaradoish, – deydi Polmon suv taqsimlash inshooti boʻshligi Xakimjon Murodбеков. – Qirgizistondaги Кичик Олой, Авустон, Банд, Сурматош, Фум, Катта Олой ирмоқлари қўшилиб Исфайрам дарёси ҳосил бўлади. Ана шу дарё суви бизга ўтади ва биз уни сув тақсимлаш иншооти орқали Қувасой, Фарғона шаҳарлари, Фарғона, Олтиариқ, Тошлоқ, Ёзёвон туманларига етказиб берамиз. Иншоотимиз 250 метр куб сув олиш қўбилиятига эга бўлиб, яна 3 та сув тақсимлаш иншоотига бўлинади.

Дарҳақиқат, сув тақсимлаш иншооти ходимларининг иши анча мураккаблигини бу ерга келиб иш билан яқиндан танишган киши яхши билади. Полмондан ўтган сув Ёски полмон орқали учта каналга бўлинади. Улар “ГРЭС” канали, Қувасой-2 сойи ва Бешолиш сойлари бўлиб, улардан оқиб ўтган обиҳаёт 29 даҳага, 29 гидрост орқали фермерларнинг, агрофирмалар ва янгидан қурилган бир неча ўн гектардаги иссиқхоналарнинг ерига кириб боради.

– Бу ерга келган киши борки “Полмон” сўзи нимани англатади, деб сўраб қолади, – дейди Муҳаммадали Арзikuлов. – Бундан 80-90 йиллар бурун бу сув иншоотини одамлар Полвон сой, Полвон дарё деб аташган экан. Кейинчалик бу сўз Полмонга айланиб кетибди. Бирон киши бунақа демайлик, номини асли қандай бўлса шундай атайлик дейишса ҳам “Полмон” бўлиб қолган экан. Ана шу иншоот қирғоқларидан чегарачилар ўтиб туришади. Узоқ эмас, 20-30 йиллар илгари биз молларимизни боққани уларнинг ерига ўтардик. Деҳқончилик ишларини биргаликда қилардик. Исфайрам трансчегаравий дарё ҳисобланади.

Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мутахассислари ўз тасарруфидаги бу иншоотлар фаолиятини тўғри йўналтириш борасида иш олиб бораётгани ҳам ҳар қатра сувнинг тўғри сарфланишига, шу йўл билан қишлоқ хўжалиги экинларидан олинadigan ҳосилдорликни оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Эълонлар

1993 йил 27 январда Ахматджанов Одил номига уй-жойга эгалик қилиш учун берилган № 05-01/2203 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 158-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1988 йилда Гемазетдинов Тагир Раисович номига берилган А № 790648 рақамли гувоҳнома (аттестат) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

TATU tomonidan Kamilov Abrorbek Muzaffar o'g'liga berilgan 12125-20 sonli bakalavr talabasining guvohnomasi yo'qolganligi sababli bекor hisoblanadi

Эълон

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМIIY-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ҚХМИТИ)

2022 йил учун таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликка қўйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

05.07.01 – “Қишлоқ хўжалиги ва мелiorация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелiorация ишларини механизациялаш”;
05.07.02 – “Қишлоқ хўжалиги ва мелiorация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш”;

05.07.07 – “Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар”.

КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:

–	ариза;
–	маълумотнома (3.5 шакл бўйича ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси);
–	меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (таянч докторантурага - ишлаётган талабгорлар учун, мустақил изланувчиликка - камида 2 йиллик илмий-педагогик ёки муайян илмий ютуқларга эга) бўлиши керак;
–	Нашир этилган илмий ишларнинг талабгор томонидан имзоланиб, иш жойидан тасдиқланган рўйхати, шунингдек уларнинг нусхалари;
–	олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
–	паспорт нусхаси (асли шахсан кўрсатилади).
–	IELTS гувоҳномаси (мавжуд бўлса);
–	иш жойидан тавсифнома (мустақил изланувчиларга);
–	4x4 ҳажмдаги 4 та фотосурат;

Эслатма: Талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг www.phd.mininnovation.uz докторантура тизими орқали рўйхатдан ўтишлари керак.

Ҳужжатлар 2021 йилнинг 15 сентябрдан – 15 октябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1-25 ноябр даврида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гуслабхор қўргони, Самарқанд кўча, 41. ҚХМИТИ, Илмий кадрларни тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш шўъбаси.

Тел: (0-370) 601-07-04; моб; (+998 97) 604-54-17.

“Энг улуг, энг азиз” анъанавий кўрик-танловининг республика босқичи ғолиб ва совриндорлари аниқланди

Кеча Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги, Бадий академия, Республика “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишлаб ўтказилган “Энг улуг, энг азиз” анъанавий кўрик-танловининг республика босқичи ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан турли ёшдаги ижодкорларнинг ижодий ишлари махсус ташкил этилган <https://tanlov2021.uz/> сайтига жойлаштирилиб, онлайн овоз бериш тизими орқали кенг жамоат-

чилик иштирокида баҳолаб борилди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб ва совриндорларни аниқлашда он-лайн овоз бериш натижаларига ҳам таянилди. Тантанали маросимда 6 йўналиш бўйича 1-ўрин соҳибларига

I даражали диплом, замонавий ноут-бук ҳамда плакетка, 2-ўрин ғолибларига II даражали диплом, телевизор, плакетка, 3-ўрин совриндорларига III даражали диплом, планшет ва плакетка топширилди.

Тадбиркорлик фаолиятлари янада кўллаб-қувватланади

Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳити яхшиланиб, қулай инвестиция муҳити пайдо бўлмоқда. Бу жараёнда ишбилармонлар учун турли имтиёзлар, хусусан, солиқ ва божхона энгилликлари, кредитлаш тизимида қатор янгиликлар жорий этилди, тадбиркорликни рўйхатга олишдаги ортиқча қозғозблик ҳолатларига чек қўйилди. Пировардида, мамлакатда тадбиркорлар иқтисодиёт ривожланишининг асосий локомотивига айланди.

Гап шу ҳақда кетганида таъкидлаш жоизки, кейинги 5 йилда мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида бир-неча Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ўтказилаётган туб ислохотлар натижасида Ўзбекистон Doing business ҳалқаро индексида 2015 йилдаги 146-ўриндан 2020 йилда 69-ўрингача юқорилади.

Маълумки, жорий йилнинг 20 август куни Президентимиз тадбиркорлар билан юзма-юз, очик мулоқот ўтказди. Бундай форматдаги учрашув мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи бор ўтказилди ва унда бево-сита залдан ва видеоконференция шаклида ҳудудлардан 10 мингдан ортиқ турли соҳа тадбиркорлари иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, мазкур учрашув жуда самимий руҳда ўтди. Унда ҳудудлардан ўнлаб тадбиркорлар сўзга чиқиб, амалиётда бизнесни йўлга қўйишда мавжуд тўсиқлар, ечимини кутиб турган дол-зарб муаммолар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини давлат раҳбарининг шахсан ўзига билдиришди. Қарийб 6 соатдан ортиқ давом этган мулоқотда юртимиз тадбиркорлари учун келгусида янада қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар тақдим этилиши Президент томонидан билдирилди. Шундай имтиёзлардан бири жойларда аҳоли томорқаларига ҳақиқий маънода кўмакчи бўлаётган “Томорқа хизмати” МЧЖларга жорий этиладиган бўлди.

Маълумки, Президентимизнинг 2018 йил 26 апрелдаги қарори билан қишлоқ туманларида “Томорқа хизмати” МЧЖлар ташкил этилган. Улар асосий фаолияти доирасида 3 йил муддатга қўшилган қиймат солиғидан ташқари барча турдаги солиқлардан озод этилди. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига шартнома асосида зарур моддий ресурслар, шу жумладан, уруғлар, қўчатлар, таралар, техника, чорва моллари, парранда, қуён, асалари уяси, балиқ, қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамда эҳтиёт қисмлари, омухта ем, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш учун қимёвий воситалар ва асбоб ускуналар етказиб бериш, шунингдек, иссиқхо-

налар қуриб бериш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва то-морқа ер эгаларидан харид қилинган, шунингдек, ўз майдонларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, қуриштириш, қа-доқлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни ички ва ташқи бозорларда сотиш ҳамда экспорт қилиш МЧЖнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан “Томорқа хизмати” МЧЖларга юқоридаги тадбирларни амалга оширишлари учун имтиёзли кредит ресурслари ажратиб келинмоқда. Ўтган 3 йилдан ошик давр мобайнида республика бўйича 220 дан ортиқ МЧЖларга жамғарма ҳисобидан 253 млрд. сўмдан ортиқ молиявий кўмак кўрсатилди. Бироқ сўнгги вақтларда мазкур кредитларнинг муддати қисқалиги (6 ойлик имтиёзли давр билан 3 йилгача) “Томорқа хизмати” МЧЖларга, айниқса, аҳолига кластер усулида хизмат кўрсатувчи жамиятларга фаолиятларини тўлақонли йўлга қўйишларида қийинчиликлар туғдирмоқда эди. Тадбирда сўз олган Сурхондарё вилояти Музработ ту-манидаги “Музработ томорқа хизмати” МЧЖ раҳбари томо-нидан билдирилган ва Президи-дент томонидан қўллаб-қув-ватланган таклифга асосан эндиликда “Томорқа хизмати” МЧЖларга ажратиладиган кре-дитларнинг муддати 3 йилдан 5 йилга, имтиёзли даври 6 ой-дан 12 ойгача этиб белгилани-ридан янада самаралироқ фойдаланилишига, “Томорқа хизмати” МЧЖлар моддий-тех-ник базасининг кучайтирили-шига, шу билан бирга аҳоли томорқаларидан янада кўпроқ ҳосил ва даромад олиниши-га, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорга кўпроқ чиқарилишига замин яратади.

Элмурод БОЗОРОВ,
Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижрочи директори ўринбосари.

24 йилдан буён ўтказиб кели-наётган ушбу кўрик танлов ижод аҳлининг жамиятдаги фаоллигини ошириш, касбий маҳоратини юк-салтириш, фидойи ижодкорлар қат-ламини юзага олиб чиқиш, иқтидор соҳибларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутмоқда. Бу йилги кўрик-танловнинг ўзига хослиги унга тақдим этилган ижодий ишларда “Янги Ўзбекистон-да эркин ва фаровон яшайлик!” де-ган эзгу ғоя мужассамлиги билан диққатга сазовордир.

Ўз мухбиримиз.

